

Куч — адолатда



АДОЛАТ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ИЖТИМОЙ-СИЁСII ВА ХУҚУҚII ГАЗЕТАСИ

БОЛАЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ...

«Соглом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими Тошкент, Заңгиота, Уртачирчиқ, Бекобод тумани ҳамда Ангрен шаҳрида яшовчи ўн икки нафар ногирон болага аравачалар топширди.

Бундан ташқари, АҚШнинг «Кейс» компанияси томонидан хайрия кумаги сифатида берилган юрак-қон томорларига хасталикларини даволашда қўлланладиган 600 кутидан зиёд привилли, 300 кут сым-востатин дориси тарқатилди. Шунингдек, вилоятдаги ҳар бир кишлоқ врачлик пунктига саломатликни тарғиб этувчи «Ҳаёт учун» дилчилар» деб номланган 440 донна илмий-оммабоп китоб берилди.

— Бу тадбирлар 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини арафасида амалга оширилиши кўзда тутилган режа асосида бажарилмоқда, — деди жамғарманнинг вилоят бўлими раҳбари Гулсанам Ваҳобова. — 30 июнда Чирчиқ ва Бўқадаги меҳрибонлик уйида, Ангрендаги интернатда тарбияланаётган болалар Тошкент — Ленд боғида ўйнаб, хордиқ чиқаришди. Давлат ва жамоат ташкилотлари, жамғармалар қатори биз ҳам ўз совғаларимизни болажонларга топширамиз. Вилоят туруқжонларига байрам кунини фарзандини кўрган ёш оналарни қутлаб, жамғарманнинг байрам совғалари берилди.

Битирувчи — 2005 МУСТАҚИЛ ҲАЁТ БЎСАФАСИДА

Инсон ҳаётида камдан-кам учрайдиган, аммо бир умр унитилмайдиган дамлар бўлади. Ана шулардан бири ҳаммамиз бошимиздан кечирган сўнги кўнгирик кунидир. Шу кун 9-11 йил бир синфда ўқиб, қадрдон бўлиб кетган болалар, қизларнинг баъзилари бир-бирлари билан бир умрга хайрлашадилар, айримлари имконият топгандагина кўришадилар, баъзилари эса абадий бир-га бўлишга ахду паймон қиладилар.

Хуллас, сўнги кўнгирик кун ҳам хузурбахш, ҳам бирмунча нохуш кайфият туғдирадиган пайт бўлиб қолади ҳар бир мактаб би-

таниган, ҳаётга теран боқадиган, оқ-қорани таниган норғул йигитлар, шўх, барно қизлардир. Шунингдек таъкидлаш



тирувчиси қалбиди. Аммо бу куннинг аҳамияти шундаки, энди биринчи синфга қолган қичқинагана, мурғак, ғўр, дунё ишларидан, дунё мўъжизаларидан беҳабар болкай эмас, ақл ҳушини

лозимки ҳозирги ёшлар бундан 14-15 йил олдинги онги октябрдагида тортиб то комсомолгача бўлган даврда шаклланган, партия айтди, сўзсиз бажарамиз деган коммунистик ғоя би-

лан шаклланган тоифадан эмас. Балки ҳаётни тушунадиган ўз юртини севадиган, ўқиб билим олиш, малака-и мутахассис бўлишга иш-тиқманд жамиятимизнинг онгли кўзларидир. Буни

Республикамизда фаолият кўрсатаётган «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрнинг урганлиш маркази ўтказган социалогик тадқиқод натижалари яққол кўрсатиб турибди. (Давоми 4-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони Б.У.ЖЎРАЕВНИ II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давлатимизнинг миллий хавф-сизлиги, халқимизнинг тинчлиги ва оқоилишталарини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун Шарқий ҳарбий округ штабининг бўлим бош-

лиги марҳум Жўраев Баҳром Улугбекович II даражали «Шон-шараф» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2005 йил 23 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

23 май кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар сайлов округларида аҳоли билан бўлиб ўтган учрашувлар якунлари бўйича шу йилнинг 13 май кунини Андижон шаҳрида рўй берган фожеали воқеалар муҳокамасини давом эттирдилар. Мажлисда сўзга чиққанлар таъкидладиларки, рўй берган воқеалар бутун мамлакатимиз аҳолиси ҳамда жамоатчилигида чуқур безовталик ва ташвиш уйғотди. Барча жойларда, сайловчилар билан учрашувларда фуқаролар фақат битта саволни бермоқдалар: одамларнинг ўлимига сабаб бўлган, жамиятимизнинг тинч, барқарор, бунёдкорона тараққиётини хавф остида қолдирган мазкур воқеалар қандай қилиб рўй берди? Мазкур масаланинг муҳо-

камаси чоғида сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари Андижон шаҳридаги воқеалар билан боғлиқ ҳолатларни ҳар томонлама текшириш учун парламентнинг мустақил Комиссиясини тузиш ташаббуси билан чиқдилар. Депутатлар мазкур тақлифни қўллаб-қувватладилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича мустақил комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Мазкур Комиссия таркибига барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тақлиф этилган сенаторлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мустақил комиссияси зиммасига Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни синчиқлаб текшириш, шу йилнинг 13 майдаги фожеали воқеаларни келтириб чиқарган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, уларни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этиш, ушбу воқеаларнинг сабаб-оқибат боғланишларини, шунингдек одамларнинг ҳалок бўлишига олиб келган жиноий ҳаракатлар ортда турган қўчқарларни аниқлаш вазифалари юқлатилди. Депутатлар Комиссияга ҳуқуқат ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва хавфсизликни таъминловчи тузилмаларнинг ҳаракатларини ҳар томонлама таҳлил этиш, бу ҳаракатларни ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаш, шунингдек парламент ва жамоатчиликни текширишнинг бориши тўғрисида мунтазам равишда хабардор этиш, шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали ахборот бериб бериш вазифаларини топширдилар.

ВАТАН МАНФААТИ ҲАР НАРСАДАН УЛУҒ АЗИЗ ВА БЕБАҲО

Биз энди ўз тақдирини белгилаб, энг тўғри ва энг аниқ йўлга тушиб олган халқимиз. Нима яхшию, нима ёмонлигини билиб олган миллимиз. Утган 14 йиллик сабоқлар кўзимизни очиб улғурди. Энди хато қилишга ҳақимиз йўқ. Шу уринда дошимизда ўзбекистон рўй мақоли эсимизга тушади. «Чумқудан кўрққан тарик экмайди». Биз мустақил йўлимиздан қайтмаймиз. Янги ҳаёт қуришдан, демократик жамият — фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан ҳеч қачон оқшаймиш. Чумқудеккина жони бўлган «Ақромийлар» биз учун пиланд эмас. Чунки, қулар тенг эмас. Уларнинг қолақ ақидалари XXI — аср

балки Президент қалбининг нақадар сезир эканлигини, ҳис-ҳажонга лиммо-лим эканлигини англадик. Азизларим! Хамкасбарим! Шо-гирдларим! Ватан раванга йўлида, халқ оқоилишталари йўлида Президентимиздек фидойи бўлайлик. Ғоявий ганимларга, қалтафаскам ва ёвуз ниятли гуруҳларга қескин, аёвсиз, мурросасиз бўлайлик. Зеро, Ватан манфаати, халқ ҳоҳиш-истаги, янги авлод орзу-умидлари кўз гавҳари-дек азиз ва бебаҳодир.

Р.УСМАНОВ,
1-ТошДавТИ довлосх
факультети декани, профессор,
Х.МАГЗУМОВ,
институт довлосх факультети
декани муовини, доцент

ОҒОҲЛИК АЙЛАНСИН ҲАЁТ ТУҒИГА

Ватанимиз тинчлиги учун ҳар маҳал, Ватан жондан азиз деганлар марддор. Тусузу говларни махсус этиб данга, Доимо эл ганим еганлар марддор.

Оғоҳлик айлансин яшаш тугиға,
Юрт ички авлоди сингисин доимо.
Ватанга фидойи марлар рўқиз,
Танганлар завол кўрмайғи, илло.

Хур ҳаёт тоабат барқарор бўлсин,
Озод, обод Ватан қолсин бизлардан.
Заминда хурлик, бахт гуллари унсин,
Арвайлик дийёри ёмон кўзлардан.

Ўзбекистон азал даҳлар юрти,
Эртаси порлоқдир, топи мунавар.
Буоқ болаларинг руҳи кўлағай,
Кўёш келажакдан келтирар хабар.

Абдуғани АНДИЖОНИЙ

Маълумки шу йилнинг 13 майда Андижон шаҳрида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган, қолаверса, ўзбек халқи табиигига мутлақо нуносиб, фожеали воқеалар содир бўлди. Энг ачинарлиси, бунинг оқибатида беғуноҳ одамлар, ватандошларимиз қурбон бўлди. Барча жамоаларда бўлган каби, бу муҳаббат воқеаларини содир этганлар хатти-ҳаракати Ўзбекистон «Адолат» СДП вилоят, туман Кенгашида ҳам қаттиқ қораланимоқда. Қуйида қашқардарилик партия фаоллари билан муҳаббатимизнинг суҳбатини эътиборингизга хавола этимиз.

Равшан ҲАМРАЕВ — Ўзбекистон «Адолат» СДП Муобрак туман Кенгашининг биринчи котиби:
— Қашқардаёнинг газчилар шаҳри бўлиши Муборакда истиском қиламан. Оллоҳга минг қатла шукур, туманимиз сановатлашгани бонис, турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек ахил, иноқ, фаровон яшамоқдалар. Аммо юртимизда кечаятган буюқ ўзгаришлар, барча соҳадаги муваффақият-ли амалга оширилаётган ислохот-

Зарип БУРХОНОВ — Ўзбекистон «Адолат» СДП Китоб туман Кенгаши биринчи котиби, халқ депутатлари Қашқарде вилоят Кенгаши депутати:
— Мен ҳам шу жаннатмакон ўлка Ўзбекистонда туғилдим, усдим, бахтимни топдим. Бунинг учун Оллоҳга

охиригача Ватанимга, халқимга содиқ хизмат қилавераман. Мен ҳам Андижон шаҳрида бир гуруҳ экстремистлар томонидан осидиқтилимизни кўрмалайдиган ёвуз кимсаларнинг қилмиши деб биламан. Яратганга шукри, ҳозир вазият, ҳаёт ҳар доимидек изига тушибди. Бундан хурсанд бўлдим. Ахир тинч, осуда ҳаёт билангина Ўзбекистонимизни қудратли мамлакатга айлантираемиз. Бунинг унинг-маслигимиз, ҳар қандай ёт унсурлар гапларига берилиб қолмаслигимиз лозим. Демак, биз доимо хушёр бўлишимиз, халқ иродасига ёт гоғлар таъсирига берилмай, болаларимизни ҳам зарарли мафқурдан ҳимоя қилишимиз даркор.

Субхатдош:
Комил САҲАТОВ,
«Адолат» муҳбири

19 май кунини Бухоро Давлат тиббиёт институти мажлислар залида Андижон шаҳрида 13 май кунини содир бўлган фожеали воқеалар муносабати билан «Адолат» СДП Бухоро вилоят Кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

**ЁТ
УНСУРЛАРГА
ҚАРШИ**
Йиғилишда сўзга чиққан вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби Раҳмат Аҳмедов Андижон шаҳрида рўй берган муҳаббат воқеаларга ўз нуносабатини билдириб, бўлиб ўтган фожеа бир тўда ёвуз ниятли кишилар қилмишларини эканлигини айтиб ўтди.

**КАМЧИЛИКЛАРИНИ
КЎРСАТИБ ЎТДИ**
19 май кунини Хоразм вилояти Янгиғарик туман партия Кенгашининг пленуми ўтказилди. Пленумда сўзга чиққан вилоят партия Кенгашининг иккинчи котиби Нурмат Эшметов ўз нутқида вилоят, туман партия ташкилотларининг ҳозирги кундаги долзарб бўлиб турган вазифалари тўғрисида гапириб, туман партия ташкилотининг фаолияти бўғунги кун талабларига жавоб бермаслигини таъкидлади, олиб борилаётган ишларнинг сустиги ва камчиликларини кўрсатиб ўтди. Ўз навбатида уларни тезда бар-тароф қилиш чораларини кўриш лозимлигини билдирди.

Иккинчи котиб шу қуларда халқимизнинг диққатини ўзига тортган Андижон воқеаларига тўхталиб, йиғилганларнинг эътиборини бу

ҲУШЁРЛИККА ДАЪВАТ

**КАТТИҚ
ҚОРАЛАНДИ**

2005 йил 20 май кунини Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент вилоят ташкилоти фаолларининг Андижон шаҳрида юз берган фожеали воқеаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Фаоллар йиғилишини Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Раёсати аъзоси, Тошкент вилоят партия Кенгаши биринчи котиби Турғун Иргашев қисқача кириш сўзи билан очиб, террористларнинг жинояткорона хатти-ҳаракатларини қаттиқ қоралди.

Йиғилишда сўзга чиққан партиядошларимиз — Янгиўл шаҳар партия Кенгаши биринчи котиби Аваз Қосимов, Бекобод шаҳар партия Кенгаши биринчи котиби Гулзира Шарипова, Урта Чирчиқ туман партия Кенгаши биринчи котиби Александр Пшеничнов ва бошқалар террористларнинг ёвуз ҳаракатини кескин қоралаб, Юрбтошнинг мизининг юрт оқоилишталари, халқимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган доно ички ва ташқи сиёсатини қизгин маъқуллади-

лар, ҳамда бутун ҳамюртларимизни ҳаммаша ҳушёр бўлишга даъват этдилар.

**ҲОКИМЛИК
БИЛАН
ҲАМКОРЛИҚДА**

13 май кунини Андижон шаҳрида рўй берган фожеали воқеалар кўз миллатли жонажон ватанимизнинг барча халқлари қатори буқалиқларнинг ҳам қалбиди чуқур безовталик уйғотди. Кунин-кеча Ўзбекистон «Адолат» СДП Бўқа туман Кенгашининг туман ҳокимлиги билан биргаликда «Хўжақўрғон» ширкат йўналишида Андижон воқеаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда сўзга чиққан «Адолат» СДП Бўқа туман Кенгаши биринчи котиби Мўтабар Ҳолиқова, туман ҳокими муовини, туман Хотин-қизлар кўмитаси раиси Ниҳола Раҳмонова, Турон маҳалласи оқооли Маъруфжон Саидрахмонов, 27- урта мактаб директори Саидбахром Ғуломов ва бошқалар Андижон шаҳрида террорчилар томонидан амалга оширилган хунрезликлар мард, ўз ватанига, жонажон шаҳрига садоқатли андижонликлар қаддини бука олмади, деган фикрни билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING АНДИЖОН ШАҲРИДА РЎЙ БЕРГАН ВОҚЕАЛАРНИ ТЕКШИРИШ БЎЙИЧА МУСТАҚИЛ КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Шу йилнинг 13 май кунини Андижон шаҳрида рўй берган фожеали воқеалар бутун мамлакатимиз аҳолиси ҳамда жамоатчилигида чуқур безовталик ва ташвиш уйғотди. Барча жойларда бўлиб ўтган йиғилишларда, Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан учрашувларида фуқаролар фақат битта саволни бермоқдалар: одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган, жамиятимизнинг тинч, барқарор, бунёдкорона тараққиётини хавф остида қолдирган мазкур воқеалар қандай қилиб рўй берди. Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар билан боғлиқ ҳолатларни ҳар томонлама текшириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича мустақил комиссиясини ташкил этилиб, унинг таркибига барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иловага мувофиқ киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатидан комиссия таркибига киритиш учун Сенат аъзоларини тайинлаш суралсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича комиссияси зиммасига қуйидаги вазифалар юқлатилсин:

1. **Йўлдошев Махаммадилхон Мамаюнович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси аъзоси (Комиссия раиси)
2. **Абдуллаева Мухаббат** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси аъзоси.
3. **Аҳмедова Сорахон Толижоновна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси аъзоси.
4. **Ботирова Зухра Баратовна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси аъзоси.
5. **Жабборов Собир Ваҳобович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раисининг ўринбосари
6. **Каримов Ҳайтхон Салимович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси аъзоси
7. **Козолов Анатолий Михайлович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси аъзоси
8. **Саидов Ақмал Ҳолиматович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқаро-

оқибат боғланишларини, шунингдек одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган бу жиноий ҳаракатлар ортда турган қўчқарларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратиш;
ҳуқуматнинг ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва хавфсизликни таъминловчи тузилмаларнинг ҳаракатларини ҳар томонлама таҳлил этиш, бу ҳаракатларни ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаш.
Бунинг учун оқори малакали мутахассислар жалб этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича комиссияси парламентни ва жамоатчиликни текширишнинг бориши тўғрисида мунтазам равишда хабардор этиш, шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали ахборот бериб бориш.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Э.ҲАЛИЛОВ
Тошкент шаҳри, 2005 йил 23 май

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2005 йил 23 майда қабул қилинган Қарорига илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING АНДИЖОН ШАҲРИДА РЎЙ БЕРГАН ВОҚЕАЛАРНИ ТЕКШИРИШ БЎЙИЧА МУСТАҚИЛ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

1. **Йўлдошев Махаммадилхон Мамаюнович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси аъзоси (Комиссия раиси)
2. **Абдуллаева Мухаббат** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси аъзоси.
3. **Аҳмедова Сорахон Толижоновна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси аъзоси.
4. **Ботирова Зухра Баратовна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси аъзоси.
5. **Жабборов Собир Ваҳобович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раисининг ўринбосари
6. **Каримов Ҳайтхон Салимович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси аъзоси
7. **Козолов Анатолий Михайлович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси аъзоси
8. **Саидов Ақмал Ҳолиматович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқаро-

* Комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан белгиланган Сенат аъзолари киритилдилар.

Тарихдан бизга маълумки, ўзбек аёллари ҳам жасорат, ирода ва матонат бобида илғор бўлганлар. Сароймулкхоним ўзининг садоқати, жасурлиги билан ном қозонган аёллардан эди.

Баёнқулихоннинг тўққиз қизи бўлиб, Сароймулкхоннинг энг кичиғи эди. Баёнқулихоннинг қизини Амир Чокуга, бир қизини амир Жаҳон шоҳга, яна бирини Улжойига кўп тўй-томашлар қилиб узатди. Энди навбат Сароймулкхонга келган эди. Бир кун Баёнқулихон қизини ёнига чақириб деди: — Қизим сени турмушга бериурман.

— Йўқ отажон, мен давлатнинг соясидан ҳеч қаерга кетгум йўқ. Баёнқулихон шу кеча туш курди. Тушида Шайх ул аълам унга: қизингни турмушга бергил, деди. У яна қизини чақириб...

— Мени ризолигимга қарасанг, шуни ихтиёр қилгил. Сароймулкхоним: унда мени Тарагай Баҳодурнинг ўлигига бердингиз, деди. Хон Тарагай Баҳодурнинг маълум бир сабабларга қўра хафа бўлиб юрган эди. Қизининг бу хоҳишини қабул қилмади. Сароймулкхоним айтди: менинг хоҳишим шуки, фармон берингиз, мен билан шатранж ўйнаб ютганга тегаман, агар у чўпон бўлса ҳам.

— Хон ҳайрон бўлиб: — Номасрамин сенинг олдинга қандай келтирдим. — Мен мулозимларингиз қатори эркакча қийимда бўлман. Сиз айтдинг, ким бизнинг навқаримиз билан шатранж ўйнамоқчи деган қилса ва ютса, шу мулозим унга тортиқ этилув. Хон қизининг гапларини қабул қилиб, буйруқ берди. Шундан кейин хон бутун мамлакатга чопар юбориб, фармонни эълон қилди. Бу гап ҳамма жойда тарқалиб кетди. Сохибқирон ҳам буни эшитиб, саройга борди. У шатранж ўйнамоқчи мислсиз

САРОЙМУЛКХОНИМ

ди, аммо ўзи қизболадир. Улар бир-бирини кўриб пинҳона кўнгли бердилар. Шатранжи ўртага қўйдилар. Сохибқирон: мен шарт билан ўйнамайман, деди. Хон: унда шарт қўяман, агар голиб келсанг, бу мулозимини (Сароймулкхонимни кўрсатиб) сенга бераман. Сохибқирон айтди: мағлуб бўлсам шу гулом болага кўл бўламан. Хон рози бўлди. Шатранж ўйини бошланди. Улар уч бисот ўйнадилар. Хар бисотида бир кеча ва бир кундуз вақт ўтди. Бу ўйинда Амир Темур ғалаба қозонди. У хонга наслини маълум қилмади. Баёнқулихон Сохибқиронга, сен бугун ўйинга боравер, эртага тонда келсанг, шу мулозимини сенга бераман. Хон уйига кириб қизи билан гаплашди. Сароймулкхоним, отажон аҳдингизга вафо қилиб мени унга беринг, кўл бўлса ҳам майли, деди. Хон барча эшикларга мулозим қўйиб, агар турк боласи келса, асло киритманглар, деб буйруқ берди.

Эртасига Сохибқирон саройга борди. Уни ичкарига киритмадилар. Саройга қайтиб келди. Шунда бир киши хат келтириб берди. Очиб қараса, Сароймулкхонимдан экан. Унда шундай дейилган: "Менинг суюкли ёрихонимга саломлар бўйсиним, сиз билан шатранж ўйнаган киши мен, яъни, хон қизи Сароймулкхоним бўламан, менда кўнглингиз бўлса, хонга келиб айтгилки, отам одил бўлса, аҳдига вафо қилиб мени сизга берсалар керак" деб нома янгулган. Эртаси кунни хон Амир Темур-

Тарих ва тақдир

ган қути турарди. Буни менга худо етказди, деб эрта саҳардан кутини кўлтиқлаб шаҳарга борди. Одамлар ҳар томонга югуриб секин-секин гаплашишмоқда. Сирож Қамарий келаятган экан, Сохибқирон унга салом берди. Вазири уни кўлтиқдаги кутини кўриб, боғла бу ўғрини деб бақира бошлади. Мулозимлар Амир Темурни қўлобига кишан солиб боғладилар ва хон олдига келтирдилар. Ва-

ним бўламан, деди. Амир Темур ҳам унга насабини ошқор қилди. Улар Сароймулкхонимнинг хонасига келдилар. Бароқхон кўрдиким, синглисини хонасида чироқ ёниб турди. Караса, ўша турк боласи билан синглиси ўтирарди. Уни мулозимларга дарҳол тўттириб яна зиндонга ташладилар. Синглисини эса, вазирга буйруқди, узокроқ жойга олиб бориб ўлдиригин, зеро, мен номусга чидай олмаман, деган эди. Вазири Сароймулкхонимни даштага олиб бориб ўлдиromoқчи бўлди, қиз буни сезиб қолди. Узоқроқ жойга боргандан сўнг қилич билан вазирининг бошини сапчадек узиб ташлади. Ҳамма отни миниб жўнади. Аввал Бухорога, кейин Қаршига келди ва Тарагай Баҳодурни топди. Унга салом берди, мен сизни келиннингизман, деб бошидан ўтганларини бир-бир сўйлаб берди.

— Амир Темур мени ўғлимдур. Икки йилдики, уни тополмайман. Ҳозир қаерда деб, йилгади. Кейин Баёнқулихонга мактуб йўллаб, ўғлини озод қилишини маълум қилди. Баёнқулихон уни на ўлигидан на тиригидан хабар бор мен Амир Темурни Тарагай Баҳодурнинг ўғли эканини билмаган эдим деб, ҳамма ёққа чоплар юбориб уни қидиртира бошлади. Сохибқиронни топгандан сўнг уни иззат-икром билан отасининг ёнига қузатиб қўйди. Сохибқирон келган, элга тўй-томашлар қилиб, Сароймулкхонимни олиб берди.

Салоҳиддин ТОШКАНДИЙ

ДУНЁ ПАХТА САНОАТИ КЎРТАЗМАСИ

Тошкентдаги "Ўзэксомарказ"да "Дунё пахтаси ва ипаги" деб номланган кўрғазма очилди. Мазкур кўрғазма пойтахтда "Марказий Осиёда иқтисодий ўсишнинг мўҳим омилли" мавзуда ўтказилган семинар доирасида ташкил этилди. Дунё пахта саноатидаги маъмул муаммолар бўйича фикр алмашиш, Марказий Осиё минтақасида тўқимачилик ва пахта саноатининг экспорт имкониятларини ривожлантириш, Ўзбекистоннинг пахта саноатида эришган ютуқлари билан хорижий ишбилармон доиралар вакиллари ташқиштириш мақсадида ташкил этилган мазкур кўрғазмада сўзга чўкканлар, ўтказилган тадбир нафақат Ўзбекистон балки Марказий Осиё, қолаверса, дунё пахтачиллик ва тўқимачилик саноати учун муҳимлигини қайд этишди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича дунёда бешинчи, тола экспорт қилиш бўйича эса иккинчи ўринни эгаллайди. Бир йилда бир миллион тоннадан зиёд пахта толаси ишлаб чиқарилиб, шундан 70-75 фоиз экспорт қилинади. Ўзбек пахтасининг жаҳон бозоридagi рақобатбардорлигини таъминлаш, маҳсулотга хорижий харидорларни жалб этишга барча шароитлар яратилган. "Ўзпахтасаноат" уюшмасини маълумотларига қўра, Республикада пахтачи қайта ишлаш ва корхоналарни замонавийлаштириш мақсудасида дастурлар ишлаб чиқилган. Охириги йилларда уюшма маблағ ва банклар кредити ҳисобига 50дан ортиқ корхона қайта таъмирланди. 17та корхона эса шаҳардан ташқарида, яъни пахта майдонларига яқин жойларга қўрилган. Шунингдек, 2005-2010 йилларда соҳани замонавийлаштириш дастурига қўра, бир неча вилоятлардаги қамидга 40та тўқимачилик корхоналарини таъмирлаш қўзда тутилган.

— Дунё бозорида пахта толаси нарҳини аниқлаш даражаси ҳар йили турлича кўрсаткичларни ташкил этмоқда, — деди "Cotton out week" журналининг бош муҳаррири Рей Батлер. — Бунинг сабаби сўнгги вақтда Хитойда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотларига нисбатан мавжуд бўлган чеклов бекор қилинган, қолаверса бунинг натижасида Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши билан боғлаш мумкин. Бу жараён АҚШ ва Европа иттифоқи мамлакатлари бозорларида номуна-нособлик юзага келтирмоқда, деди у.

Инобат Эгамқулова, "Туркистон-пресс"



келган носозликни сешанба кунги кечки пайт Чагино ва Капотини ташқиқлариди рўй берган ёнғин оқибатида содир бўлди, дея тушунтирди. Россия президенти Владимир Путин эса носозликка бир неча сабаблар борлигини санаб ўтган. — Тахминий маълумотларга қараганда ушбу ҳоҳисага нафақат ускуналарнинг эскирганлиги, зеро, улар 1966 йилда

ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

Хар бир давлатнинг тараққиётида солиқ тизими муҳим рол ўйнайди. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда истиклолнинг дастлабки кунларидан бу соҳага алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шу кунга қадар солиқ тизимини такомиллаштиришга доир қўллаб қонун ва қарорлар ишлаб чиқилди. Бу интилиш ва изланишларнинг самараси ўларoқ, халқимиз солиқ тўловларининг фойдали хижатлари қўлгини, қолаверса, давлат бюджетни анча-мунча бойиб боришини, бюджетдан маош оладиган кишилар ўз вақтида маошини олишини аниқлаб етди. Қўйида тармоқнинг Жомбой ва Самарқанд туманларида олиб борилаётган ислохотлар хусусида ҳикоя қиламиз.

манда қарзи 19893,6 миң сўмни, «Жомбой Дон» ҳиссалдорлик жамиятининг боқимонда қарзи эса 21522,6 миң сўмни ташкил этади. Солиқ инспекцияси ходимлари шунга ўхшаш боқимонда қарзларни ундиришнинг чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, амалиётга тадбиқ этмоқда.

— Иулларнинг саз ва равонлиги халқимиз иқтисодийнинг юксалишига олиб келади, — дейди туман Давлат солиқ инспекцияси бошлигининг биринчи ўринбосари Рустам Андаев. — Биз ҳам Республика йўли фондига ажратмаларни корхона ва ташкилотлар томонидан ўз вақтида тўлаб борилиши зарурлиги ҳақида аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқ ишларини олиб бораёмиш...

Қарор ва ижро

ажаблантиради, — дейди Самарқанд туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Б.Бахронов. — Шароф Рашидов номли ширкат ҳўжалигининг электр энергиясидан 47140,9 миң сўмлик муддатга ўтган дебиторлик қарзи мавжуд бўлсада ширкат ҳўжалиги раҳбариятининг виждонсизлиги туфайли ҳўжалик маъмурий биноси, автотрактор саройи, ёқилғи-мойлаш материалларини сақлаш пунктида электр энергиясидан юзсизларча фойдаланиб келинаётгани аниқланди. "Оби-рахмат" савдо ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбариятининг қўлгиликлари эса ҳаммасидан ошиб тушди. Ташкилотнинг 62,3 миң сўм қарзи мавжуд бўлсада, унинг устаси фаранг раҳбарлари "Зарафшон" ва "Дўстлик" электр тармоқлари корхоналари назоратчилари Х.Рустамов ва Ф.Рахмоновлар билан ўзаро тил бириктириб, Қайнама қишлоғида жойлашган "Дўстлик" ресторанида электр энергиясидан бемаълум фойдаланиб келишга аниқланди...

Москва электр энергиясиз қолди

Пойтахтнинг жанубидаги Капотини, Марьино, Бирулево, Чертаново ҳудудларида соат 11:00 га яқин, шундан сўнг, Ленин проспекти, Язанск, Энтузиаст шосселарида ва Ординки районларида ҳам бирин кетин шундай ҳолат рўй берди. Бундан ташқари яна бир қанча ҳудудлар ва Москва атрофидаги 25 шаҳар ҳамда Подольский, Тула, Калужский вилоятлари аҳолиси электр энергиясиз қолди.

БАКУДА НЕФТЬ БАЙРАМИ

Анча вақтдан бўён гелоглар, инвесторлар ва сисбатдонлар томонидан эътироф этиб келинаётган «Нефть инқилоби» амалга ошди. Чоршанба кунин Озарбайжон пойтахтида Боку-Тбилиси-Жейхон (БТЖ) нефть қувурининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Каспий денгизи, бевосита Урта ер денгизининг қирғоқларидан қазиб олинган қора олтин 1600 километри труба орқали уч мамлакат — Озарбайжон, Грузия ва Туркия ҳудудини орқали оқиб ўтади. БТЖ қурилиши учун 3,6 миллиард АҚШ доллари миқдориди маблағ сарфланди. Нефть оқиб ўтадиган трубаларни на-

ЮРАР ЙЎЛИНГ СОЗ, МАШАҚҚАТИН ОЗ

Бу ақидани жомбойлик солиқчилар бевиз ўзларининг дастуриламалига айлан-тиришгани йўқ. Мамлакатимиз раҳбарияти шаҳар ва қишлоқлар аҳолини бир-бирига бевосита боғлаб келаятган йўлларнинг текис ва раван бўлишига доимо катта эътибор қаратиб келмоқда. Бу жараёнда кечаю-кундуз тиним билмай меҳнат қилаётган Давлат солиқ инспекцияси ходимларининг ҳам муносиб ўрни бор. Самарқанд вилоятининг Жомбой туман Давлат солиқ инспекциясининг Республика йўли фондига ажратмаларни ундирилиши борасида амалга ошираётган хайрли ишлари таҳсинга сазовор, Туман Давлат солиқ инспекцияси раҳбарияти ва ходимларининг сый-ҳаракати

ИЖРОСИ БИЛАН САМАРАЛИ

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрда "Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб механизмини тўдан такомиллаштириш

Мавзуга қайтиб

ўшанда мустақилликнинг илк йиллари эди. Собик иттифоқ даврида қорақўлчилик билан машури жаҳон бўлган Бойсун туманидаги «Бойсун» давлат ҳўжалиги ширкат ҳўжалигига айлантирилди. Аини пайтда ҳўжалик ҳисобиди қирқ миңдан ортиқ ҳисори қўйлар бор эди. Уйлаб техникалар, қўтонлар, чўпонлар учун етарли шарт-шароитлар...

Биз 40 йиллик чўпон қўй боқиш

ни билмай қолдикми? Гап шундаки, ҳўжалик раиси Б.Тошбоев ким айтганини сўзсиз бажарса, ана ўша одамга иш беради. Акс ҳолда... Хуллас, Ч.Йўлдошев ва бошқа қўллаб жабрдийда «ёзувчи»лар ҳўжаликдаги ноқонуний ҳаракатлар юзасидан шикоят ёзмаган идора қолмади. Бунинг қарангиси, бу шикоятларни ҳал қилиш масаласи яна туман мутасаддиларига ҳавола қилинаверди. Натига эса, «қарға қарганинг қўзини чўқимда».

ЖАНГАРИЛАР ҚИДИРИЛМОҚДА

Юзлаб Америка аскарлари Богдод жануби-гарбидан 200 чакирим узоқликда жойлашган Анбар провинциясидаги Хадит шахрини тинтув қилишда иштирок этишмоқда. Қидирувнинг асоси мақсади — жангариларни ахтариш. Хабарларга қараганда отишмалар чоғида 10 нафар жангари ўлдирилган. «Ассошиэтед пресс» ахборот агентлигининг тарқатган хабарича, Америка денгизи аскарлари вертолётлардан паллапояларга ташланиб, шахардаги аҳоли пунктлардан бирида ўрнашган

ЭРОННИНГ ЯНГИ ЯДРО ВАЪДАСИ

Эроннинг расмий вакиллари Буюк Британия, Франция ва Германия ташқи ишлар вазирлари билан Женевада ўтган учрашувда ядро қуроллари билан шуғулланмаслиқ учун яна бошқатдан ваъда берди. Бу ҳақда Эрон ядро дастурдан воз кечишига қўндириш мақсадида ўтказилган мулоқотдан сўнг, Британия Ташқи ишлар вазири Жек Стро маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, бу борадаги аниқ таклифларнинг ҳужжатлар пакети июль ойининг охири август ойининг бошларида Европа Иттифоқи Эрон ҳукуматига ҳавола этади. Вазири мулоқот жуда қийин кечганлигини ҳам айтиб ўтган. Эрон делегацияси бошлиғи Хасан Роҳаний Европа Иттифоқи билан кечадагидан «оқил келишувга» «оқил ва қисқа муддатда» эришиш мумкинлигини эътироф этади. Стро Си-Эн-Эн орқали берган интервьюсида Европа Иттифоқи тақдим этилган тақлифларга Эроннинг рози бўлиш бўлмаслиги номаълум эканлигини айтди. Утган йилнинг ноябрь ойида ЕИ Эронни уран моддасини бойитиш борасидаги дастурини тўхтатишга қўндира олганди. Аммо икки ҳафта муқаддам Эрон агарда унга тинчлик мақсадлари йўлида фойдаланиш учун ядро технологияларини яратишга имкон берилмаса, Ядро қуроллари тарқатмаслиқ борасидаги келишувдан чиқшини маълум қилди.

БОЙСУНЛИК «ФАРИШТА»ДАР

киши менга ойига беш миң сўм маош беради. Мен отарда меҳнат қилаётганимдан фойдаланиб, ўйимиздаги ҳамма молларимизни Т.Уроловнинг рухсати билан отарида қўшиб боқардим. Бир кун оғир касал бўлиб, шифохонга тушиб қолдим. Бахтсизликни қарангиси, ўша кунлари бизнинг отаримиз ҳам санокдан ўтказилиб, отардан анча-мунча қўй кам чиққани учун 22 бош қўй, 14 бош қўзи, 16 бош эчкиларимизни ҳўжалик ҳисобига ўтказиб юборишди. Мен эса касалхонадан чиқиб, чапак чалганча қолавердим.

Шундай қилиб, шўрлик чўпон ўзи айтгандек, чапак чалиб қолаверди. Лекин биродарлар, чапак чалган билан қорин тўймайди-да. Ахир, Чорибойда ҳам бола-чақа бор, бунинг устига етти-саккиз нафар укалари бор. Қолаверса, нима учун энди емай-ичмай тўплаган мулкни бир ҳўжаликнинг қамомати учун тўлаши ке-

рақ? Нима, отардан қамомат чиқса, Чорибой айбодорми? Еган бўлса унда бирор ўзгартиш бўлмасми? Ахир унинг бошқаларникидек данғилмама уйлари, тойноқдек машиналари йўқ-ку! Чори Йўлдошевга алам қилди. У бош чўпон Т.Уроловдан молларини қайтариб беришини талаб қилди. Бечора бош чўпон эса қўрқа-писа раисга ишора қилди. «Менда айб йўқ. Мен раисга бир неча марта айтдим, лекин раис...», дегерди у хижолатдан қизариб.

Тўғри, бу орада ҳўжаликдаги ўнлаб чўпонлар суд ҳукми билан ҳўжаликда кескин қамайиб кетган жонликларнинг ўрини қоплади. Лекин бу билан ҳўжаликдаги муаммо ҳал бўлгани йўқ. Чунки йиллаб иш ҳақини ва дивидент пулларини ололмаи сарсон-саргардон бўлиб юрган одамлар ҳўжаликдаги иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини талаб қилмоқда. Утган йилни давлатдан 168 миллион, иш ҳақидан 30 миллион сўм қарз билан яқунлаган ҳўжалик эса ўз ҳақини талаб қилаётган ишчиларига ҳўжалик ваъда беролмайди. Ҳўжалик бош ҳисобчиси Б.Шойимов эса шикоят ва норозиликлардан хулоса чиқариш ўрнига бор онанга, бор отанга қабилида иш юртияпти. Натигада, ҳўжаликнинг иқтисодий аҳволи кун сайин таназзулга юз тутаяпти.

Дарвоқе, шикоятчилар ҳам муаммоларини ҳал этиб беришини сўраб, бир неча марта туман ҳокими Э.Бойниёзовнинг ҳузурига бўлишди. Бироқ ҳоким бува ҳам «алдагани бола яхши» қабилида иш тутди шеклили, ҳўжаликда ҳеч қандай ўзгариш юз бермади. Ваҳоланки, бу «болалар» ҳамон «хархаша» қилмоқдалар.

«ХЕЗБОЛЛА»: БИЗДА 12 МИНГ РАКЕТА БОР

Мусулмон шитлар ҳаракати «Хезболло»нинг Ливандаги етакчиси Шайх Хасан Насрулло унинг ташкилоти ичтиради бутун Шимолий Исроилни ишғол қила олиш ҳукуватига эга бўлган 12 миң ракетага борлиги ҳақида хабар берган. Шайх Хасан 20 йилдан кўпроқ вақт мўбаинида Исроил томонидан ишғол қилиб олинган Ливан жанубида минглаб тарафдорлари олдида чиқиб қилиб, Сурия ва Эронни қўллаб-қувватловчи «Хезболла» бу ракеталарни

Хуллас, Чорибойнинг судга мурожаат қилишдан бошқа чораси қолмади. Суд бошланди. Шеробод туманлараро фуқаролик суди ишни тўлиқ кўриб чиқиб, ростдан ҳам мазкур ишда Ч.Йўлдошевнинг жабрланганини эътироф этди. Пироварди шундай бўлдики, энди Ч.Йўлдошевнинг «Бойсун» ширкат ҳўжалиги ҳисобига утиб кетган қўйларини бош чўпон тўлай диган бўлди. Аммо суд қарори чиқишга қичди-у, ижро таъминланмади. Қайтагина жабрдийда Бойсун-Шўрчи орасида бўзчининг моқисидек қатнайвериб қолган бисотидан ҳам айрилди. Шундай қилиб, тўрт кун чўпон бўлган деб, бутун мол-мулкидан мосуво бўлган Чорибой яна ўз ёнига ўзи қовурилиб қолаверди.

«ФАРИШТА»ДАР

— Мен шу ҳўжаликда 40 йил, отам 60 йил чўпонлик қилдик, — дейди бойсунлик чўпон Салолат Тоғаймуродов. — Раис эса ҳозирги кунда чўпонларни бошқа туманлардан олиб келмоқда. Нима,

Хуллас, Чорибойнинг судга мурожаат қилишдан бошқа чораси қолмади. Суд бошланди. Шеробод туманлараро фуқаролик суди ишни тўлиқ кўриб чиқиб, ростдан ҳам мазкур ишда Ч.Йўлдошевнинг жабрланганини эътироф этди. Пироварди шундай бўлдики, энди Ч.Йўлдошевнинг «Бойсун» ширкат ҳўжалиги ҳисобига утиб кетган қўйларини бош чўпон тўлай диган бўлди. Аммо суд қарори чиқишга қичди-у, ижро таъминланмади. Қайтагина жабрдийда Бойсун-Шўрчи орасида бўзчининг моқисидек қатнайвериб қолган бисотидан ҳам айрилди. Шундай қилиб, тўрт кун чўпон бўлган деб, бутун мол-мулкидан мосуво бўлган Чорибой яна ўз ёнига ўзи қовурилиб қолаверди.

— Мен шу ҳўжаликда 40 йил, отам 60 йил чўпонлик қилдик, — дейди бойсунлик чўпон Салолат Тоғаймуродов. — Раис эса ҳозирги кунда чўпонларни бошқа туманлардан олиб келмоқда. Нима,

Мустафо АБДИЕВ, журналист

Мустафо АБДИЕВ, журналист

Хабарларни Бахриддин МИНГБОЕВ тайёрлади

“Баркамол авлод — 2005”

Шу кунларда пойтахт вилоятининг Чирчиқ, Фазалкент шаҳарлари ва Қиррай, Бўстонлик туманларида бўлиб ўтаётган “Баркамол авлод — 2005” республика спорт ўйинлари қизгин паллага кирди.



НАРОДАМ ВА ШИХОМ БАЙРАМИ



Кези келганда, аввало шуни таъкидлаш лозимки, “Баркамол авлод — 2005” спорт ўйинлари арасида Тошкент вилоятининг шаҳар ва туманларида жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

тенг келадигани топилмади — 0,30,2. Умуман олганда сузиш бўйича дастлабки кунги ўтган бахслар якунида 12 та олтин медалдан саккизтасига Тошкент шаҳри вакилларининг сазовор бўлганликлари пойтахтликларнинг бу йилги бахсларга пухта ҳозирлик кўрганликларини кўрсатиб турибди.

— “Баркамол авлод” спорт ўйинларида илк марта бахсларда катнашган, — дейди волейбол бўйича Сурхондарё вилоят кизлар терма жамоаси аъзоси Хулкар Ҳақимов. — Бунгача умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида, 2002 йили Фарғонада, орадан бир йил ўтди эса Хоразмда бўлиб ўтган “Умид ниҳоллари” республика мусобақаларида ҳам иштирок этганман. Бултур Термиздаги Олимпия захиралари спорт коллежига ўқишга кирдим. Волейбол жону дилмига айланган. Мусобақаларга астойдил тайёргарлик кўрдик.

МУСТАҚИЛ ҲАЁТ БЎСАФАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда) Тадқиқод Тошкент шаҳридаги ўн та тумандаги 390 та мактабнинг 11-синф битирувчилари ўртасида ўтказилди. Шу йилнинг 22 апрелдан 29 апрелгача ўтказилган суровлар натижасида маълум бўлдики, бугунги битирувчиларда келажакда ишонч даражаси юқори. Уларнинг кўпчилиги, хусусан 88,2 фоизи олий ўқув юртига киришга истаҳлиқ билан қарайди.

истагани билдирганлар сони 2003 ва 2004 йиллардаги даражада турибди. Ёшлардан: “нега ўқиниш давом эттирмай ишламоқчисиз”, деган саволга 5,1 фоиз битирувчи: “моддий жиҳатдан мустақил бўлмоқчиман”, деб жавоб қайтарган.

олганлар ва шунга қараб олий ўқув юртига киришга истаҳлиқ билан қарайди. Уларнинг кўпчилиги, хусусан 88,2 фоизи олий ўқув юртига киришга истаҳлиқ билан қарайди. Уларнинг кўпчилиги, хусусан 88,2 фоизи олий ўқув юртига киришга истаҳлиқ билан қарайди.

Яқин вақтларга келиб иқтисодий биреккунлик ривожланган, яъни аграр соҳага қараб бўлган, шу боис аҳолининг топан даромади моддий эҳтиёжини оқламай қўйган Ургут туманида бугун бошқача манзарани кўриб ҳайратга тушасиз. Одамлар гўрбун ушайдиган марказда ҳам, ўнлаб чакирим оқликда жойлашган чекка қишлоқларда ҳам бир-бири билан рақобатлаш саноат корхоналари, қурилиш цехлари, миллий хунармандчилик масканлари, сайёҳларга хизмат кўрсатувчи митти туристик фирмалар эмин-эркин фаолият кўрсатмоқда.

шундаки, саноат ва кичик ҳамда ўрта бизнес корхоналари бозор рақобатини ҳисобга олган ҳолда ишлаяпти. — дейди туман ҳокимилик иқтисодий бўлими бошлиғи У.Саломов. — Корхоналарнинг омиборхоналарида тайёр маҳсулот қолдиги мавжуд эмаслиги ва харидорларга пешма-пеш өтказиб берилаётганлиги фикримизнинг исботидир.

дан қайтиб келдим. — дейди “Сампластик” хусусий корхонаси раҳбари Тоҳиржол Пулатов. — Хориждаги ҳамкорларимиз бир неча ўн минг АҚШ долларига тенг шартнома тузиб янги дастгоҳ олиб келдим. Бу ускуна корхона маҳсулотини янада харидоригир бўлишини таъминлайди.

— Ийилар давомида оғир демография, экологик ва иқтисодий муаммолар тўпланиб қолган ҳамда фуқароларнинг маҳаллий бошқарув идораларига ишончи сусайган бир шароитда, айни шундай сафарбарлик, ишчанлик, ўзаро ишонч муҳитини юзага келтирилган мизанга энг катта ютуғимиз бўлди, — дейди туман ҳокими Холмухаммад Нуриллаев. — Чунки ўз рўзгорининг каму кўстини битказадиган ҳам, муаммоларга ечим излайдиган ва уни биргалашиб ҳал этадиган ҳам — халқ!

ЭЛГА ХАМФИКР БЎЛИБ, ЭЛДАН ҚУВВАТ ОЛИБ

Ўки Ургут туманида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қишлоққа саноатни олиб кириш, экспорт билан шуғулланиш амалда қандай натижа бераётганлиги хусусида

588 та микрофирма, 290 та кичик ва 52 та ўрта бизнес корхонаси, 214 та фермер ҳамда 153 та деҳқон хўжалиги мустақил фаолият юритмоқда. Янги барпо этилган хусусий ва кичик бизнес корхоналари қисқа вақтда 5884 кишини даромадли иш билан таъминлади.

экспортта жўнатиш ҳажмини кенгайтириш йўллари изламоқдалар. Фақат шу йилнинг 1-чораги мобайнида четга 119,2 минг АҚШ долларига маҳсулот экспорт қилинганлиги саноатнинг дадил қадамларидан далолатдир.

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Рустам АҲМАДАЛИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

ИБРАТЛИ ҲИКОЯТЛАР
БАХИЛЛИК НАТИЖАСИ
Ҳикоят қилдилар: бир одам ўз хотини билан бирга қовурилган товуқ гўшти еб ўтирган эди.

МуСТАҚИЛ ҲАЁТ БЎСАФАСИДА
(Давоми. Боши 1-бетда)
Тадқиқод Тошкент шаҳридаги ўн та тумандаги 390 та мактабнинг 11-синф битирувчилари ўртасида ўтказилди.

Ислоҳот ва самара
дан қайтиб келдим. — дейди “Сампластик” хусусий корхонаси раҳбари Тоҳиржол Пулатов.

ЭЛГА ХАМФИКР БЎЛИБ, ЭЛДАН ҚУВВАТ ОЛИБ
Ўки Ургут туманида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қишлоққа саноатни олиб кириш, экспорт билан шуғулланиш амалда қандай натижа бераётганлиги хусусида

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши
Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Рустам АҲМАДАЛИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета Ҳақиқат Матбуот ва ахборот агентлигидан 016 рақами билан рўйхатдан ўтган.